



**Ёшлик ва
гўзаллик
байрами**

2-бет



**РАҚС
САНЪАТИНИНГ
МАЛИКАСИ**

3-бет



**СОҒЛИҚ —
ОЛТИНДАН
ҚИММАТ**


4-5-бет



**«ОЙНАИ
ЖАҲОН»ДА
КЎРИНГ, ТОМОША
ҚИЛИНГ**

6-7-8-бет

ДУШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 122 (9.925)

2003 йил 23 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Юқори сифатли рақобатбардош тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдириш, қўшма корхоналар барпо этишга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгиланган, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойфазал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йўғимлардан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, ҳўжалик тузилмалари билан бирга ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари жорий этиладиган субъектлар рўйхатини аниқлашнинг ҳамда имтиёзларни қўллаш ва бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

2. Белгиланган, ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда ана шу маблағлар тўла ҳажмда давлат бюджетига ўндириб олинади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган жарима жазолари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин; идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азиев ва М.Усмонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
2003 йил 20 июнь



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!

Шанба куни «Пахтакор» Марказий стадионида
битурувчиларнинг «Истиқлол умидлари — 2003»
фестивали бўлиб ўтди

Инсон ҳаётида унутилмас онлар кўп бўлади. Бироқ улар ичида ўн бир йил давомида замонавий билим асосларини синдириб ёшларни катта ҳаёт сари тайёрлаган кадрдон мактабни, хунар ўргатган касб-хунар коллежи ёки лицейни тямомлаб мустақил ҳаёт йўлини танлаш онлари айниқса фарахбахш ва бир умр ёддан кўтарилмасдир. Мана, уч йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелеерадиокомпания, «Тошкентнаво» бирлашмаси ташаббуси билан шаҳримиздаги «Пахтакор» Марказий стадионида умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейлар битурувчиларининг «Истиқлол умидлари» фестивалларининг ўтказиб келиниши болажонларимиз қалбига бир олам шодлик бахш этмоқда. Илдан йилга фестиваль дастури мазмунан бойиб, тобора қизиқарли тус олмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ҳаракатлар натижасида 542 гектар майдон, 638 километр ирригация тармоқлари тозаланди, 3390 тонна чиқиндилар олиб чиқиб кетилди, 155 мингдан кўпроқ турли дарахт ва гул қўчатлари экилди. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ ҳашардан тушган маблағлар маҳаллалар моддий техник негизини яхшилашга йўналтирилди. Хусусан, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳисоб рақамига 300 миллион сўм маблағ тушди.

(Давоми 2-бетда)

XXI сағоси
Барча мактаблардан
олинган сўғит хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш, бой маданий меросимизни дунёга танитиш, ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Ўзбекистон халқ артисти Галия Измайлова «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.

• «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компаниясида Германиянинг таниқли «Борнеманн» фирмасида ишлаб чиқарилган насослар туркумининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

• Япония ҳукумати томонидан тақдим этилган грант ёрдамида Андижондаги 2-ўрта мактаб замонавий қиёфга кирди.

• Қорақалпоғистон галлакорлари галла ўримиға киришишди. Эллиқалта туманидаги Ал Хоразмий ширкат ҳўжалиғида бўлиб ўтган семинар-кенғашда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

• Вобкент туманидаги Бешработ қишлоғида янги спорт зали ишга тушди. Бу ерда эндиликда 14-олимпиада захиралари махсус интернати ўқувчилари билан бирга маҳалла болалари ҳам спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланишади.

• Тошкент тиббиёт педиатрия институти клиникасининг кардиохирургия бўлимида Жанубий Кореянинг Енсей университети билан ҳамкорликда юракка зонд киритиш ва уни ангиокардиография қилиш лабораторияси ташкил этилди.

Жаҳонда

• Латвия сеймининг навбатдан ташқари йиғилишида кўпчилик депутатлар Вайра Вике-Фрейбергни иккинчи президентлик муддатига қайта сайлаш учун овоз беришди.

• Италия парламенти янги қонун қабул қилди. Унга кўра мамлакатнинг беш раҳбари — Президент, парламентдаги икки палата раислари, бош вазир ва конституциявий суд раисига суд иммунитетини берилади.

• Тожикистонда бўлиб ўтган референдумда мамлакат конституциясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Дастлабки маълумотларга кўра умумхалқ овозида рўйхатта олинганларнинг 91 фоиздан ортиғи иштирок этди.

• АҚШ Мьянмага нисбатан жазо чораларини қучайтиришини эълон қилди.

• Россиянинг Кемерово шаҳридаги кўмир шахтасида метан газининг портлаши натижасида 11 киши ҳалок бўлди, бахтли тасодиф туфайлигина 4 кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгазининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилиши ҳамда бадирок спорти ривожланишига оид шаҳар дастурий чора-тадбирлари ижроси юзасидан масалалар кўриб чиқилди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов «Обод маҳалла йили» дастури бўйича дастлаб амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб, ҳал этилиши лозим бўлган мавжуд муаммолар, камчиликларга ургу берди, шунингдек, келгуси-

даги долзарб вазифаларга ҳам қисқача эътибор қаратиб ўтди.

«Обод маҳалла йили» дастури барча фуқароларнинг моддий, маъшый ва ижтимоий ҳаётини қамраб олган бўлиб, унинг амалга татбиқ этилишида нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлари масъул, балки айнан аҳолининг — маҳаллада истиқо-

мат қилувчи ҳар бир хонадон ағасининг фаоллиғига ҳам боғлиқдир. Бу борада дастур доирасида амалга оширилган энг йирик тадбир — обод маҳалла сари ҳаракати юзига келишига асос солган умумхалқ ҳашари бўлди. Унда 877 мингдан зиёд пойтахт фуқаролари иштирок этди. Биргаликда қилинган сай-

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, ободонлаштириш, кам таъминланган оилалар ва муҳтож кишиларга ижтимоий ёрдамни моддий ва молиявий таъминлаш учун ҳар бир маҳалла томонидан бугунги кунда ўз ҳудудида жойлашган қорхона ва ташкилотлар билан 3-5 миллион сўмга тенг ҳамкорлик шартномаларини тузишга эришилди. Шу билан бирга маҳаллалар шарт-шароитлари, имкониятларини аниқлаш юзасидан инвентаризация ўтказиш бўлими ҳам шартнома яхшилаш борасида молия манбалари кўрсатилган ҳолда биринчи гадаги вазифалар дастури ишлаб чиқилди. Жумладан, муҳтожларга ўтган давр ичида 103 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Оқсқоллар ҳамда маҳалла фаоллари фаоллигини, ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳам ишлар давом этмоқда. Туман ҳокимликлари, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси кўмагида Адлия бошқармаси, Тошкент Давлат юридик институти вакиллари иштирокида ўқув курслари ташкил этилмоқда. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, бундай чора-тадбирлар самараси натижаси аққол

ифадаги ўсмирларнинг спортга бўлган қизиқишларини амалга ошириш имконияти яратилса, ўқшдан кейинги вақтда спорт секциялари қувватидан тўлиқ фойдаланиш чоралари ҳам топилади, нега деганда ўқш давомида талаб 124,5 фоизга қондирилмоқда. Демак, болалар томонидан спортга бўлган қизиқиш юқори, аммо унинг қондирилиши қандай? Бу савол «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан ўтказилган сўровга асос бўлиб, унинг натижалари айрим спорт секциялари фаолиятини кўриб чиқишга тақозо этди. Хусусан, 125 мингдан зиёд сўровга жалб қилинган ўсмирларнинг 65 фоизи янги спорт тўғрисидаги ташкил қилишга қизиқиш билдирди. Ва айтиш мумкин, спортнинг 17 тури бўйича 40 та янги тўғрақлар очилди. Бу эса қўшимча 1200 болани фойдаланиш мўлжалларига жалб этишга асос яратди. Ушбу рақамни янада кўпайтириш имкониятидан бири имтиёзли спорт тўғрақлари доирасини кенгайтиришдир. Афсуски, бу боралдаги тартиб ва қондалар ҳамма жойда ҳам бир хил эмас, ҳаттоки бир пайтлар айрим спорт мажмуалари давлат ҳисобларидан қурилган бўлса ҳам...

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

бўлмоқда, жумладан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий масалалари жойларда ҳал этилишида маҳаллалар фаолияти анча жадаллашиб, масъулият кучайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Маънавий-маърифий фаолият ҳам ўз натижаларини бермоқда. Бу йўналишда мунтазам равишда унрашувлар, давра суҳбатлари кўринишида бўлиб ўтаётган тадбирларга ижодкорлар қаторида, сиёсий, иқтисодий шарҳловчилар, ҳуқуқшунослар ҳам кенг жалб этилмоқда. Бирок, айбиги ўтилганидек, аҳоли томонидан қизиқиш асосан уюшган катламга хос бўлиб қолмоқда, яъни бундай тадбирларда маҳалланинг катта ёшдаги қисми қатнашмоқда, ёшларнинг иштиёқини кўтариш ёки уларнинг жалб этилишида ҳануз фаоллик етишмаётти, айниқса шароити оғир оилалар фарзандлари четда қолмоқда. Профилактика нозирлари ёрдамчилари бўлиши сардор ва посбонларнинг ҳам фаолияти сезилмаётти. Маълумотларга қараганда, шаҳардаги маҳаллаларнинг 10 фоизда посбонлар умуман йўқ. Бунинг натижалари эса сезиларли — воёга етмаганлар ҳамда аёллар ўртасида туманлар кесимида жиноятчилик ўтган вақт мобайнида бироз кўтарилган. Бундай салбий ҳолатлар Бектемир, Чилонзор, Юнусовод, Шайхонтоҳур туманларига тааллуқли.

Ёшларни иш билан банд қилиш масаласи ҳам муаммоларига қолмоқда. Жумладан, бугунги кунда пойтахт аҳолисининг 39 мингдан зиёди иш билан таъминланмаган бўлиб, уларнинг 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Бундан ташқари 20 мингдан зиёд қиш мезғат қилишга истак билдирган, аммо меҳнат биржалари томонидан фақат 10 минг унрага мўлжалланган иш жойлари тақдир этилмоқда. Ўйи бошдан 6,5 минг киши иш билан таъминланган.

Демак бу йўналишда алоҳида эътиборни кичик ва ўрта бизнес, яъни тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиб, шунинг ҳисобига жойларда — маҳаллаларда янги иш ўринларини очилиш мақсадга мувофиқдир. Кун тартибидagi мазкур масала юзасидан муҳокамада қатнашган депутатлар Акмал Ақромов, Мажид Қодиров, Аҳмад Миржалилов, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар қаторида ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник негизини яхшилаш, айрим маҳаллалар ижобий таърибаси ҳусусида сўз юритишди. Улар, шунингдек, амалга оширилаётган чора-тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, натижалари аҳоли ҳаётида намоён бўлиши зарурлигига эътибор қаратишди, шу билан бирга маҳалла ҳар бир вазиятда ўз аъёнчаларига содиқ бўлиб қолиши — инсонлар дарди, манфаатлари йўлида хизмат қилиши даркордир, деб умумий фикр билдиришди.

Кун тартибидagi иккинчи масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рўстам Қурбоннинг берган ҳисоботида ишчи гуруҳ томонидан пойтахтда болалар спортини ривожлантиришнинг бугунги кундаги аҳоли юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари ўз аксини топди. Таъкидлаб ўтилганидек, бу боралда масалага ҳар томонлама ойдинлик киритиш учун тўрт йўналишда — жумладан, болаларнинг спорт секцияларига қатнашши, спорт тўғрақларининг самарали фаолияти, спорт иншоотларининг моддий-техник негизи, уларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш таъминоти юзасидан иш олиб борилди. Бугунги кунда аҳолининг бешдан бир қисмини 6-17 ёшдагилар, яъни ўқувчилар ташкил қилади. Уларнинг 4,5 фоизи халқ таълими тасаруфидagi 29 та спорт мактабларига қатнашади. 22 фоизи домий спорт билан шуғулланса, 15 фоизи турли тўғрақларда шуғулланади, 22 фоизи ўқув курсларида машғул, 3,3 фоизи эса соғлиғи тўғрисида жисмоний тарбия дарсларидан овоз қилинган. Таҳлилларга қўра, 150 мингдан зиёд болалар (37 фоизи) ўқшдан кейин соғлом иш билан умуман банд эмас. Бу то-

болалар спортини ривожлантириш бўйича 2005 йилгача режалаштирилган дастурга мувофиқ жорий йилда Шайхонтоҳур туманида янги спорт мажмуасини ҳамда 6 та мактабда спорт залларини қуришга ҳозирлик қилинмоқда. Мактаб муассасалари спорт негизлари таҳлилига қараганда, 317 та умумтаълим мактабларининг 25 фоизда 2 тадан спорт заллари мавжуд бўлса, 5 фоизда — умуман йўқ. Ўз-ўзидан бу масала долзарб бўлибгина қолмай, унинг тез орада ҳал этилиши юқорида қайд этилганидек жорий йилда режалаштирилгани ҳам бежиз эмас.

Мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлашда ҳам муаммолар бисёр. Уларнинг аксарият қисми эскирган ва бугунги кун талабларига умуман жавоб бермайди. Шу кунга қадар ҳокимликлар ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳисобидан ушбу масалани ҳал этиш учун 26,5 миллион сўм жалб этилган. Лекин бу маблаг, агарда спорт анжомлари асосан импорт қилинаётганини инобатга оладиган бўлсак, унча катта эмас. Шу билан бирга савдо ташкилотлари томонидан ҳам эҳтиёж тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Шаҳар бўйича спорт йўналишидаги товарнинг фақат 24 та дуконлар орқали савдоси ташкил қилинган. Уларнинг сифат турлари, хилма-хиллиги эса асосан четдан келтирилган товарлар билан чегараланади. Пойтахт туманлариди 9 та ишлаб чиқариш қорхонасининг фаолияти қисман шу соҳага йўналтирилган, у ҳам бўлса унча талаб катта бўлмаган вишнел, бокс кўпоқлари, айрим кийимлар билан кифояланади.

Қоридатиларни инобатга олган ҳолда, ички бозорни тўлиқ ва сифатли товарлар билан тўлдирishда спорт соҳаси муваффақиятлари ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигига кўчатириш тақозо этилади. Ўз наъбатиди, кадрлар масаласи ҳам долзарб бўлмоқда, айниқса, мактаб ва маҳаллалардаги спорт тўғрақларида фаолият юритаётган мутаассадилар ҳақида сўз борганда. Бу боралда муҳокамада иштирок этган депутат Хамид Каримов, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Исрол Зокиров, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Аскар Толибжонов ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, муаммоларни ҳал этиш юзасидан ҳам тавсиялар киритишди.

«Обод маҳалла йили» дастури ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар бир-бири билан ўзвий боғлиқ десак муболага бўлмайди, зеро маҳаллалар ободлиги, тинч-тотувлиги ва фаровонлигининг таъминланишида ёшлар фаоллигига эътибор қаратилаётган бўлса, ўз наъбатиди спортни оммавийлаштиришга фақат маҳаллалар кўмагида эришиш мумкин. Шунга мувофиқ сессия кун тартибидagi мазкур иккита масала ҳар бир раҳбарнинг иш фаолияти кун тартиби асоси бўлиб қолиши керак. Сессияда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рўстам Шобудрахмонов билдирилган барча фикр-мулоҳазаларга шундай ҳулоса чиқариб, шунингдек биринчи гада бажарилиши лозим бўлган вазифаларга ургў бериб ўтди. Шу жумладан, маҳаллаларни обод қилишдаги асосий масалалар таъкид этилиши ҳамда ҳар бир маҳалла ва маззеларда оммавий спорт турларига йўналтирилган кичик бўлса-да, майдончалар барпо этиб, уларни дастлаб аяққорлар билан жиҳозлаш, яъни бу масалада жорий йилда ҳар бир ўсмирни фойдаланиш мўлжалли билан қамраб олишга эришиш зарурдир.

Сессияда шунингдек, коммунал соҳасида долзарб бўлган газ ва совуқ сув ўлчов асбобларини ўрнатиш режаси бажарилиши муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг бир қатор қарорлари тасдиқланди, ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кун тартибидagi барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган шанба кун ҳам хайрли ананага қўра «Пахтакор» марказий стадиони шахримиз мактаблари, коллежлари ҳамда лицейлари битирувчилари, уларнинг заҳматкаш устозларини ота-оналарини ўз бағрига яна бир бор қорлади. Шу кун стадионга байрам кайфиятида ташриф буюрган эртამиз давомчилари тўққиз бўлимдан иборат бетакрор битирув оқшоми кечасида қунаб-яйрашди, ўз устозларига эҳтиром бажо қилишди.

Айниқса фестивалнинг ёшларнинг севимли хонандалари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қумуш Раззоқова ва Қозим Қайомовлар иштирокидаги «Салом фестивал» қўшиғи билан бошланган, барчага қадрдон «Синфдош» қўшиғининг янграши мактаб битирувчилари, ёш хонандалар, «Шарқ» гуруҳи ва Диёрбек Маҳмадов ижросида «Хайр мактабим — сўнгги кўнгирок» ашулуси ижро этилганда эса бутун стадион овққа туриб, санъаткорларга жўр бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тадбир давомида катта ҳаёт оstonасида турган бахтли ёшларни «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Ўбайдуллаев, заҳматкаш мураббийлар, Зулфия мўқофоти соҳибалари, тенгдошлари, спортчилар, маҳалла фаоллари, «Умид юлдузлари» фестивалнинг совриндорлари қўллашиб, кўнглиларидagi энг эзгу тилақларини билдирдилар. Ватан посбонлари, ёш спортчилар ўзларининг ранг-баранг чиқишлари билан кечага ўзгача фойз киритишди. Ёшлар се-



вимли хонандалари Мансур Тошматов, Авазбек Олимов, Улуғбек Отажонов, Оксана Нечитайло, Руслан Шарипов, Илҳом Фармонов, Отабек Мадррахимов, Райхона Ғаниева, Иззат Ибрагимов, «Санъат», «Олоуддин», «Аъло», «Сетора» гуруҳларининг қувноқ мусикали чиқишларига жўр бўлишиб, шўх рақсларга тушишди. Бир сўз билан айтганда, «Истиқлол умидлари — 2003» фестивали узок вақт унинг иштирокчилари ёдидан кўтарилмайдиган ёшлик ва бахтиёр болалиқнинг бетакрор тантанасига айланиб кетди.

Биз фестивал айрим иштирокчиларининг дил сўзларини қозғаша туширдик.

**Жамшид АБДУМАЖИДОВ,
110-мактаб битирувчиси:**

— Мен математикага ихтисослашган

ушбу мактабни аъло баҳолар билан тугалладим. Ниятим келгусида олий ўқув юртида билимларимни мустаҳкамлаб, математик бўлиш, юртимиз халқ ҳўжалиғи ривожига оз бўлса-да, ўз ҳиссамини қўшишдир. «Истиқлол умидлари» фестивали эса бир умр ёдидан чиқмайди. Бу ерда тенгдошларим билан бирга мазза қилиб яйрадик, қўллаб-дўстлар орттирдим. Болалигимизнинг беғубор онлариди катта ҳаётга қадам қўйишга ўтиш маросимини жуда қойилма-қом, унутилмас ҳолда уюштирган тадбир ташкилотчиларига ўзим ва тенгдошларим номидан катта миннатдорчилик билдираман.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Истиқлол умидлари — 2003» фестивалидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов ва Сергей Любич олган суратлар.**



Анжуманлар Боғлар ҳаммани чорлар

Маданият ва маънавият ўчоғи ҳисобланган сўлим гўшаларимиз, маданият ва истироҳат боғлари каттаю кичикнинг мириқиб ҳордик чиқарадиган кўнгилчор масканлардандир.

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ иқодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республикаси илмий-услубий маркази ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида «Аҳолининг бўш вақтларини қизиқарили ва мазмунли ўтказишда маданият ва истироҳат боғларининг тугган ўрни» мавзусида боғлар бадий раҳбарларининг икки кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Эркин Эрнazarов очиб, аҳолининг бўш вақтларини намунали ва мазмунли ўтказишда боғларнинг роли тўғрисида гапирди. Шунингдек йилгишда фан доктори, профессор У. Қорабоев «Маданият ва истироҳат боғларида ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳозирги давр талабидир», Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчиси З. Шокиров «Ёшларнинг хоҳиш ва истакларини эътиборга олган ҳолда оммавий ва маданий тадбирларни ташкил этиш бугунги кун талаби», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, боғ директори Б. Султонов Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган ва ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар хусусида ҳамда «Ёш авлодни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда боғларда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти» мавзусида боғларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди.

Анжуман катнашчилари шу кунги сўлим гўшаларимиздан бири бўлган Фафур Фулом номи билан атала бошлаган маданият ва истироҳат боғи билан танишиб, Фафур Фулом хайкали пойига гуллар қўйдилар. Шундан сўнг меҳмонлар маданият ва истироҳат боғларида ўтказилаётган тадбирлар хусусида фикрлашиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Анжуманининг иккинчи кунги эса меҳмонлар Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг очик саҳнасида курилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи талабаларининг «Касбим — фаҳрим» мавзусидаги байрам тадбирида иштирок этдилар.

Бундай анжумани ўтказишдан мақсад, — дейди маданият ва истироҳат боғи Маънавият ва маърифат ишлари бўлими бошлиғи М. Жаъфаров, — аҳолининг бўш вақтларини кўнгилли ва унумли ўтказишлари, яхши дам олишлари учун боғда ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишдир.

Дилбар ҲАМИДОВА

— «Сегоҳ»ни тинглаб дам оламан. Ўйга ботаман ҳам. Қанчалик чўқур мазмунга эга бу куй. Уни тинглаш, ҳиргойи қилиш, рақсга мослаш мумкин. Ҳаёт-мамот, севиғисадоқат, фожиа ва драматик воқеалар ҳақида фикр юритишга ундайди у. Шу боис қаерда бўлмай, бу куйга мос келадиган ҳолат, ҳаракат, имо-ишорани излаб юраддим. Кейин «Сегоҳ»нинг улғув-вор садоларига гўзал кушнинг виқор билан қанотини аста ёзиб чиройини кўз-кўз қилиши мос келиши ҳақида ўйладим. Шундай гўзал кушларни кузатиб бордим. На-тижада кўнглимдагидек бир рақс пайдо бўлди. Олдин тасаввуримда ҳар бир ҳаракат намоён бўлган эди. Рақсини ижро этиш қолган эди, ҳолос. Шунда «Ёр-ёр» мусикали комедияси суратга олинган бўлди. Менинг севган рақсим унинг мусикали эпизодларидан бирини ташкил этди. «Ёр-ёр» комедияси телеэкранда кўрсатилиши билан менга илиқ сўзларни айтидиганларнинг сони кўпайиб кетди.

Галия Баязитовна ҳикояларини тинглаётганда, хореография «профессорининг нозик диди, табиати, гўзаллигининг турли кўринишларини қадрлаши, кўпчиликлари уларни етказиши ҳақида ўйлаб қоламан. Ёшлигимда дадам Илёс Акбаров билан театрда борганимда «Оқ куш кўли» балетининг жуда-жуда ёқимли куйларидан ҳайратга келганимни, Одетта-Одиллининг либосидаги Галия опани зўрға таниганимни, адаждодан таъсирланиб кўлимдаги биноклни тушуриб юборганимни эслаётиман. Шунда Ўзбек балети устаси рус композитори П. И. Чайковскийнинг мусикасида таъсирланиб: унга мос келадиган нафис ҳаракат топиб сахнани гуллаётган балеринани олқишлаган эдик. Эндиликда санъаткорга ўша дилларни эслатганимизда, у тўлқинланди:

— Қаранг-а, ўша балетнинг асосида эртанамо сюжет ётади. Лекин унда қандай чўқур маъно бор! Буни сезган П. И. Чайковский либреттонинг ҳар бир кўринишига мос келадиган гоҳ ўйчан, гоҳ ўйноқ, шўх мусика басталган. Балет ҳам бақувват адабий ва мусикавий либретторга муҳтож. Балеринага эса улардан ташқари малакали балетмейстер керак. Шу боис санъат институтида режиссура сирларини ўзлаштиришим жараёни рақс қўйиш, унга мос композиция излаш билан ҳам боғлиқ бўлди. Ўзим балет спектаклини қўйишга отланганимда С. Сервантеснинг «Дон Кихот» романини ҳамда шу мавзудаги либретто асосида

Л. Минкус ёзган мусикага мурожаат этдим. Бу мумтоз адабиёт, бу ранг-баранг са-доларга бой бўлган мусика рақсгага илҳом беришини балетмейстерлик фаолиятимда ҳам кўрдим.

Бундай мулоҳазаларни, рақсанинг барчамиз севиб ўқийдиган китобларга бўлган ҳурмати сезиб, савол бердик:

• САНЪАТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

Раққосанинг ширин ташвишлари

Ўлкамиз истеъдодларга бой. Биргина Галия Измайловани олинг. У ташриф буюрмаган қитъа, мамлакат, шаҳарлар қолдимикин? Қайси ерга бормасин ўзбекининг жозибдор рақсини шунақанги эҳтирос, завқ-шавқ билан ижро этардики, минг-минглаб томошабинлар унга махлиб бўлиб қоларди. Хореографиянинг «профессори» ҳисобланмиш Г. Измайлова мусикадан келиб чиқиб, унинг ижро этилишини ҳисобга олиб рақс композицияларини ихтиро қилади. Унинг мулоҳазаларига қаранг:



— Балетмейстер сифатида саҳнага қандай китобларни қўйишни истар эдингиз?

— Мен ҳозир Чингиз Айтматовнинг қиссаларини қайта ўқиб чиқаяман. Эски танишларим билан яна қўришаётгандек бўлаяман. Ана шундай асарларга, уларнинг муаллифи бўлмиш Чингиз оғага таъниб балет спектаклини қўйиш мумкин. Мен Жамиланинг севиғиси ҳамда драматик, Асалнинг очик кўнглини, орзу-умидлари, ишлари поклигини, Олтинанинг иродасини мусика, балет воситалари кўмағида таърифлашни истардим. Лекин бунинг учун мусика ёзиш керак. Хореографиянинг нозик жойи ҳам шунда. Унинг муваффақияти фақат балетмейстер, балеринанинг истеъдоди, изланишига боғлиқ эмас. Композитор ижод этган мусика ҳам муҳим омил бўлади. Улғубек Мусаев «Тўмарис» балетини ёзди. Балет қўйилди. Томошабинга манзур бўлди. Худ-ди шу асар мусикали теле-визон фильмга айланганда ҳам ўз фазилатларини йўқотмади. Буга сабаб драматургик асос бақувватлиги, композитор ижод этган мусика сермазун, сержололиги бўлди, деб биламан. Телеви-

— Алишер Навоий асарлари бўйича бадий фильм қўйилганича йўқ. Лекин фильм-балет суратга олинган. Манас Левиев ижодида мансуб бўлган «Сухайл ва Мехри» балетини режиссёр Латиф Файзиев экран тилига қўйиши жараёнини қандай баҳолайсиз?

— Бу балетнинг мусикасини такрор-такрор тингларим келади. Манас ака талантини балетнинг ҳар бир кўринишида намоёниш этган. Унга кино аҳли мурожаат этгани беҳиз эмас. Лекин бу гал балет спектакли тўғрисида тўғри экранга қўйилганга ўхшайди. Агар «Тўмарис» ТВ асари сифатида талаблар даражасида бўлса, «Сухайл ва Мехри» кинофильмининг катта экран асари сифатида баҳолаб бўлмас. Ундаги декорациялар, турғун ҳолда намоён бўлган саҳналар фильмни эмас, спектаклни эслатиб туради.

— Галия опа, саҳнага илк бор чакқанингизга олти-ми йилдан ошди. Бугун билдираётган мулоҳазаларингизга қараганда, хореографиянинг амалиёти билан барча назарий асослари билан ҳам шугулланаяпсиз. Санъатнинг бошқа

турларида ижод этган ус-тозларингиз, тенгдошларингиз ҳам шундай низо-ятда қизиқарили масалалар билан шугулланганми?

— Авваллари бир шах-нинг ўзи соз чертар, ашула айтар, рақс тушар, аскияда иштирок этар, баъзан дор-бозларнинг ҳаракатини ҳам қайтарар эдилар. Уста Олим Комилов доира чертиш билан бирга рақсларни қўйиб кўп қизалоқларнинг санъат ола-мига киришига сабабчи бўлганлар. Тамара хоним ашула айтиб, рақс тушиб, ансамблга раҳбарлик қилиб, хореография композицияла-рини яратиб шўхрат қозон-ганлар. Яна бир шахсини эс-ламай ўта олмаيمان: Наби-Ганиев — кинорежиссёр, би-лимдоан санъаткор. У рақс-ни кинофильмга киритиш йўллариини излаган. Топган-хам. «Тоҳир ва Зухра» ва «Фа-ргона қизи» фильмларидаги рақсларни эсланг. Хоразм-лик гўзал малика Мохим То-хирни қойибона севиб қол-ган. Лекин бу барно йигит Хоразм элида пайдо бўлгани-да эрқа малика унга пешвоз-қимайди. Рақс тушаётган гўзал қизлар орасида пайдо бўлади-ю йигитга нозли қараш қилади. Бу ўринда пан-томима унсурларидан фойда-ланилгани кўзга ташланади. «Фаргона қизи» асарининг бош қаҳрамони Дилбарни эса мен — рақсга бағримга оламан. «Ўйин баёти» янграб-туради. Мен шойи рўйolini ушлаган ҳолда рақс тушаман-сўнгра бошқа қаҳрамон ёни-га бориб, уни ардоқлаб, ел-касига ҳалиги дуррачини ташлайман. Бундай йўл би-лан режиссёр Н. Ганиев мени фильм персонажи-га айлантирган, концерт сифа-тида кўринган рақс саҳнала-рини Дилбарнинг бахтли дақиқалари билан боғлаган. Наби ақанинг кейинчалик «Ўзбек рақси усталари» деб аталган ҳужжатли фильм яратгани бизнинг меҳнатимиз-ни қадрлаганидан далolat беради, деб ўйлайман.

— Бугун таваллуд кунингизни нишонланаятган дамба муҳлисларингизга, жумладан муштарийларга яна қандай фикр-мулоҳазаларингизни айтишни хоҳлар эдингиз?

— Санъатни, жумладан рақс-ни севиш, ўзингиз ҳам дав-рага дархол тушиб, дердим. Менимча, рақсини севганлар ёмон одам бўлмайди. Мукар-рама опа, Тамара хоним, Гул-нора Маваева, Розия Каримо-ва, Клара Юсупова... Булар чин инсон сифатида ҳам тан-олинган. Уларнинг меҳнати энгил бўлмаган. Лекин, томо-шабин олқишлаган кун улар ижод машаққатини эмас, на-шидасини, заъқини ёд этган-лар. Мен ҳам...

Ҳамидулла АКБАРОВ

ДЕМОКРАТИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетиди Конрад Аденауэр жамғармаси, АКШ Миллий демократик институти (NDI), FMDP MK ва бошқа сиёсий партиялар ҳамкорлигида «Демократик шароитда ҳокимиятнинг бўлиниши, сиёсий партиялар ва парламентнинг роли» мавзусида икки кунлик семинар ўтказилди.

мамлакатлари бўйича минтақавий раҳбари доктор Томас Кунце, АКШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистон бўйича вакили Ричард Глоб, таниқли сийасатшунослар ҳамда таълиқ жур-налистлар, сиёсий партияларнинг етакчилари иштирок этишди.

Семинар иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда «Демократик шароитда ҳокимиятнинг бўлиниши, сиёсий партиялар ва

парламентнинг роли», «Ёшлар ва демократия», «Иқтисодий ислохот-лар: кичик ва ўрта бизнесни ри-вожлантириш», «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фа-олиятидаги иштироки», «Америка Конгрессининг иши ва вазифа-лари тўғрисида», «Сўз эркинлиги — демократиянинг асосий негизи» «Партияларнинг сиёсий фао-лиятида сайловолди кураши пай-тида матбуот ва жамоатчилик би-

лан иш олиб бориш» ҳамда «Сиё-сий партиялар вакилларининг матбуот анжумани» мавзусидаги баҳс-мунозара ҳамда машғулот-лар ўтказилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар вакиллари ва ёшлар иштирокида «Ёшлар сиёсий партиялардан нима кутади?» мавзусида мунозара ўт-казилди. Семинар иштирокчилари сертификатлар топшириди.

«Туркистон-пресс»

— Сўз эркинлиги жамиятда муҳим аҳамият касб этади, — деди АКШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистон бўйича ваки-ли Ричард Глоб «Туркистон-пресс» муқбирига. — Институтиимиз АКШ департаменти томонидан ажрат-илган грант асосида очилди. Маз-кур институтининг Ўзбекистонда оч-илиши икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мус-тахкамлайди. Унинг асосий мақ-сади, тажриба алмашши, тренинг ва семинарлар ўтказиш, Ўзбекис-тонда амалга оширилаётган де-мократик жараёнларга кўмакла-шишдан иборат.

Тадбирда Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



Сешанба 24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет
8.40 Газеталар шарҳи
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.45 «Нурли манзиллар»
10.00 «Мулкдор»
10.20 «Сен борсан». Бадий фильм.
11.50, 15.30 ТВ клип.
12.05 «Тарих кўзгиси»
12.30 «Қишлоқ ҳақида уялар»
12.50 «Концертдан сўнг». Озода Нурсидилова.
13.20 «Янги алоқа». Телешоу.
14.10 «Муносабат»
14.40 Диклат, шакарда сехгар». Бадий фильм.
15.30 ТВ клип.
16.40 «Камил». Теле-сериал.
Егиз таътил кунларида.
«Болалар сайраси»
16.10 1. «Қушим» - жон қушим»
2. «Покахонтас»
Мультипликация.
17.00 «Ватангиз хизмат қилман»
18.10 «Баркамол авлод ораси»
18.30 Репортаж.
18.35 Бир жўрт қўшқ.
18.45 «Олтин бешик»
19.05 «Табриклан»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталаври.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолич»
21.25 ТВ клип
21.35 «Камил»
22.05 Кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.30 «Келин-куёв». Телешоу.
23.20 «Ахборот-дай-жест»

«Ёшлар» телеканал

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виджон» 13-к.сми.
10.00 «Янги авлод» студияси: Катта танлаффус, Кингиз, танчилик»
10.50 «Мулатомоша»
11.05 «Гвадалупе». Сериал.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 «Дарбадарлик». Бадий фильм 2-к.сми.
13.00 Давр.
13.10 Ёгиз таътил экран: «Самовий саргузаштлар» 9-к.сми.
13.35 Бахтли болалик қўшқлари.
13.45 Интегфутбол.
15.25 Саломатлик сирлари.
15.45 Эрта сўнган қолдур.
16.35 «Хаккат чегараси». Сериал.
16.30 «Оби хаёт». Экологик тележурнал.
16.45 Қишлоқдаги тенгдош.
17.05 Жар ақсиди.
17.25 Қўрсуатлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.50 Таянч.
18.10 Минг бир маспалат.

Халқаро телеканал

16.30 Қўрсуатлар тартиби.
16.35 «Вести»
16.50 «Мулатомоша»
17.10 «Вароносе» янгиликлари.
17.25 «Сати». Сергей Безруков.
18.00 «Ишонч ва мухаббат замини». Сериал.

19.00 «Кулгу қироллари». Юрий Никулин.
20.00 «Время»
20.40 «Бешички бурчак». Сериал.
21.05 «Бизнес рево»
21.50 «Дунё мамлакатлари»
22.10 «Уолт Дисней». Машҳурлар туркумиди.
22.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)

«Тошкент» телеканал

17.10 Қўрсуатлар тартиби.
17.20 Сериал: «Мухаббат ристиси»
18.05, 21.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Химос»
18.20, 20.00, 21.25, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хамшахарлар»
19.15 Сериал: «Айрилик азоби»
20.25 «Табрикланмиз-кулаймиз»
21.05 Сериал: «Гинес-шоу»
21.45-Турим ҳақида»
21.50 «Ибрат»
22.10 Кинохонго. «Тут-си»

30 канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс» бўйича режиссерлар.
10.40 «Жанговар санъат олами»
11.10 «Тез ёрдам». Сериал.
11.20 «Тўққизинчи дарвоза»
11.30 «У қотилинги байн эгиди». Телесериал.
11.50 Телешоу.
16.00 «30-да спорт»
16.50 «Хужжатли сериал»
18.00 «30-канал» кинохонго: «Товон лули»
19.30 «Ошкони». Мусикий дастур.
21.45 «Бешички фарш-та». Сериал.
21.05 «Клип-сого». Телебронхона.
21.20 «Хайри тун, кичкинтойлар»
21.30 «30-канал» кинохонго: «Байрамдан сўнг»
23.15 «Рестлинг титанлари»

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 18.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал.
8.55 Мусикий сериал «Алмазная тропка»
9.45 «Шукта за шуктой»
10.30 «Белый клуб»
11.15 Детектив «Всего одна ночь»
12.05 Искатели. «Ломоносов. Пропащая история»
13.30 «Русский экстрим»
14.15 Док.сериал «Дикое шукчи»
14.50 Триллер. «Синие»
16.00 «Большая стирка»
17.25 «Сати»
20.00 «Основной инстинкт»
20.00 Время
20.40 Мусикий сериал «Пятый угол»
21.45 Документальный сериал «Синие»
22.30 Ночное «Время»
23.00 Дневник Московского кинофестиваля
23.10 «На футболе»
23.40 «Сканер»
30.10 «Аполлония»
1.00 Сериал «Тысячелетие»

Россия

3.45 «Доброе утро, Россия»
6.45, 18.55 Сериал «Телевизионный блок»
7.45, 20.00 Детектив «Марш Турецкого»
8.40, 15.20, 17.50, 2.50 Вести ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 3.00 Вести.
10.00 «Короткое замыкание»
10.20 Приключенческий фильм «Идентификация Борна»
11.15, 14.45 «Экспертиза»
11.30 «Колоссальное хозяйство»

11.45, 16.20, 18.30 Вести-МОСКВА.
12.20 «Что хочет женщина»
13.10 Сериал «Московский роман»
14.15 «Простые истины». Телесериал.
15.50 «Вся Россия»
16.05 Вести-СПОРТ.
16.50 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.20 Фильм Николая Сванидзе «Марина Ладина. Крупный план»
21.45 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС.
«Полет»
23.50 «Дорожный патруль»
24.00 «Горячая десятка»
1.00 СЕРИАЛ «Сеть»
1.55 Сериал «Джис и Вустер»
3.15 Канал «Евроносе» на русском языке.

ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего»
8.30 Фильм «Телохрани-тель»
10.30 Фильм «Гобсек»
12.30 Фильм «Фантастический отряд»
14.30, 19.00 Сериал «Мадисон»
15.00 Фильм «Ветер в ночи» (Франция)
17.00 Фильм «Оператор»
19.30, 0.00 Сериал «История о привидениях»
20.00 Фильм «От судьбы не уйдешь» (США)
22.00 Фильм «Сбежавшая Джейн» (США)
0.30 Фильм «Ледоруб»
0.45 Сериал «Убийцы лунного озера»

НТВ

5.00 УТРО на НТВ
7.50, 19.50 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ»
9.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.25 «ВНИМАНИЕ. РОЗЫСКИ»
10.10 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «СЕГОДНЯ»
11.30 «СТРАНА СОВЕТОВ»
12.30 Сериал «КУРОРТ-НИЙ РОМАН»
14.35 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
16.30 Сериал «СКОРАЯ ПОМОЩЬ»
17.25 Док.драма «ПРЕ-СТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ»
18.35, 22.15 Сериал «УЛИЦЫ РАЗВЫТЫХ ФОНАРИ»
21.35 Модный сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»
23.30 «СТРАНА И МИР»
24.00 ГОРДОН
1.00 Сериал «ДОКТОР»

REN-TV

7.55 «24». Информационная программа on-line.
8.00 «Большие деньги»
8.30, 17.50 «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙДЖЕРЫ». Теле-сериал.
8.55, 17.25 «Флинт» детектив во времени.
Мультисериал.
9.20, 17.00 «Человек-пак»
9.45 «ОБЖ. ИЛИ ОПАСАЙТЕСЬ БРОШЕННЫХ ЖЕНЩИН». Теле-сериал.
10.15 «БАФФИ». Теле-сериал.
11.15 «Кино»: «ОРУДИЕ УБИЙСТВА»
13.30 «Безумный мир»
14.00 «ВИНО ЛЮБВИ». Теле-сериал.
14.55 «КАПИТАН ПРАВДА». Комедийный сериал.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «ЧТО СКАЗАЛ ПОКОЙНИК». Теле-сериал.
18.15 «Кино»: «ВЕЧНЫЙ ЗОВ»
18.55 «Триффини». Мультисериал.
23.05 «Кино»: «В КОМПАНИИ С УБИЙЦЕЙ»
1.25 «24 ЧАСА». Теле-сериал.

ТВЦ

8.00 Канал «Настроение»
9.50 Газетный журнал.
10.05 «РАЗЛУЧЕННЫЕ». Теле-сериал.
10.55 «Московские перекрестки»
11.25 «Посланий из...»
Специальный репортаж.
11.40 Телемагазин.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События.
12.15 Телеканал «Датат»
13.10 «Тот самый истинный»
14.05 Доходное место.
14.10, 0.50 Петровка, 38.

14.30 Деловая Москва.
15.15 «ИНСПЕКТОР ДЕР-РИК». Теле-сериал.
16.20 Как добиться успеха. Доктор Богданов.
16.30 Военно-полевой романс.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Идущие вперед.
18.00 «НА СТРАЖЕ ПО-РЯДКА». Теле-сериал.
19.15 «Любимых повторяю имена»
20.00 «ЗАГАДОЧНАЯ ЖЕНЩИНА». Теле-сериал.
20.50 Пять минут делового шоу.
21.00 Лицом к городу.
22.00 «ТЕЛОХРАНИТЕЛЬ»
23.45 Отдел «Х»
24.20 Времечко.
1.30 Серебряный диск.
1.50 «ПО ЗАКОНУ». Теле-сериал.
2.45 «Синий троллейбус»

ТНТ

5.00, 8.00 «Путешествия с Национальным географическим обществом»
6.00 Мультимир: «Волшебный школьный автобус»
6.25, 11.30 Мультимир: «Черепахи-ниндзя»
6.50, 11.50 Мультимир: «Сейлормун»
7.10 Мультимир: «Крокодил Рики»
7.30, 12.30 ТВ-клуб.
9.05 «ВТОРАЯ ЖИЗНЬ»
Комедия.
12.15 «Наши песни»
13.00, 1.20 «МАЙАМИ СЭНДС». Фантастический сериал.
14.00, 18.00 Служба Личных Новостей.
14.30 «Фигли-Мигли». Юмористический журнал.
15.00 «НА КРАЮ ВСЕЛЕННОЙ-3». Фантастический сериал.
16.00, 19.00, 22.35 «Окна»
17.00, 0.25 «Запретная зона»
18.30, 22.05 Москва: инструкция по применению.
20.00 ТНТ-комедия: «СТАРИКИ-РАЗБОЙНИКИ»
21.40 «Империя страсти»

Халқаро телеканал

16.30 Қўрсуатлар тартиби.
16.35 «Вести»
16.50 «Жили табиат»
17.05 «Евроносе» янгиликлари.
17.25 Е. Петросининг Кулгу панорамаси.
18.00 «Ишонч ва мухаббат замини». Сериал.
19.00 «Занф бугин»
20.00 «Время»
20.40 «Бешички бурчак»
Сериал.
21.45 «Бизнес-рево»
21.50 «Юртехнологиялар олами»
22.00 «Хинд охангла»
22.20 «Спорт технологияси»
22.40 «Ахборот» (рус тилида)
23.10 «Ок тўфон». Бадий фильм.
1.10 «Туннинг осуда бўлини»

Чоршанба 25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Мулатомоша»
9.20 «Шарқ тароналари»
